

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН
КОРХОНАЛАРГА ҚЎМАКЛАШИШ ВА РАҚОБАТНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

720 «Якка тартибда уй-жой қуриш (деҳқон хўжалигини юритиш) учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича очиқ аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартиришлар киритиш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2017 йил
21 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2314-4*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги ПФ-5016-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июндаги 391-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги ва 2017 йил 23 июндаги 419-сон «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкни бошқариш давлат қўмитасининг 2011 йил 9 декабрдаги 01/09-18/13-сон «Якка тартибда уй-жой қуриш (деҳқон хўжалигини юритиш) учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича очиқ аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига (рўйхат рақами 2314, 2012 йил 13 январь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2012 й., 2-сон, 25-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Раис

Р. ГУЛЯМОВ

Тошкент ш.,
2017 йил 10 июль,
01/11-26/17-сон

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й.

Ўзбекистон Республикаси
Хусусийлаштирилган корхоналарга
қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш
давлат қўмитасининг 2017 йил 10 июлдаги
01/11-26/17-сон қарорига
ИЛОВА

«Якка тартибда уй-жой қуриш (деҳқон хўжалигини юритиш) учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича очик аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга киритилаётган ўзгартиришлар

1. Қарор муқаддимасидаги «реализация қилиш» деган сўзлар «сотиш» деган сўз билан алмаштирилсин.

2. Низомда:

а) муқаддима қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, Фуқаролик кодекси, «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1994 йил 24 ноябрдаги ПФ–1009-сон «Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 ноябрдаги 575-сон «Ердан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 1995 йил 11 апрелдаги 126-сон «Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларини улар жойлашган ер майдонлари билан биргаликда ҳамда ер майдонларини мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун хусусий мулк сифатида сотиш тартиби тўғрисида»ги қарорларига мувофиқ якка тартибда уй-жой қуриш (деҳқон хўжалигини юритиш) учун ер участкаларига мерос қилиб қолдириладиган умрбод эгалик қилиш ҳуқуқини реализация қилиш бўйича очик аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш тартибини белгилайди.»;

б) 2-бандда:

тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**савдо ташкилотчиси** — туман ёки шаҳар ҳокимлиги ва Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг ҳудудий бошқармаси ёки Қорақалпоғистон Республикасининг Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси (кейинги ўринларда ҳудудий бошқарма деб юритилади) билан тузилган шартномага мувофиқ аукцион савдоларини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича хизмат кўрсатувчи риэлторлик ташкилоти»;

олтинчи хатбошидаги «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар жамғармасига» деган сўзлар «Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш дав-

лат кўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармасига (кейинги ўринларда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси деб юритилади)» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 40, 46, 47-бандлардаги «Давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар» деган сўзлар «Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

г) 50-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«50. Ер участкаларига бўлган ҳуқуқни реализация қилишдан тушадиган маблағлар тақсимооти Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19 июндаги 391-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат кўмитаси ҳузуридаги Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси маблағларини шакллантириш, тақсимлаш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.».